

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi – inson
salomatligiga
erishishdir.



Высшее благо
медицины –
здоровье.

Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqa boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru № 5 (469) 2006-yil 31 yanvar – 6 fevral Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида

2006 йилнинг юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидаги масалалар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифаларини эътиборга олиш:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интeрнат-уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интeрнатларининг шарт-шaroитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустақкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисmini қалб амри билан қонун ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноқ инсонларнинг ҳолисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгига меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар

санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизimini такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шaroитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустақкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг қўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизimini яратишни назарда тутадиган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда «Тиббиёт ходимлари кунини» касб байрамини таъсис этиш бўйича тақлифлар киритсин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакилларини ҳомийлик ишлари-

га кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимига ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шaroитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқибли, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокорпорацияси, оммавий ахборот воситалари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушултириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустақкамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.



Республика Ақушерлик ва гинекология илмий текшириш институтида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: институтининг бош шифокори Алиса Подпоренко неонатолог врач Нодира Эргашева билан чақалоқ соғлигини назорат қилишмоқда.

Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.

Дилнома

ЮРАКДАГИ ЧЕКСИЗ ЭҲТИРОМ БИЛАН

Инсон ёши ўтган сари аста-секинлик билан танасидан куч-қувват ва саломатлигига озор етиб борар, ҳаттоки, яшашга, ишлаш ва меҳнат қилишга умиди қолмас, қўзларига бу ёруғ олам зулмат соясини солиб турган бир пайтда сўнгги наҳот – Яратган эгам ва унинг назарига тушган тиббиёт ходимларининг ёрдамларига таянар экан.

Ха, дарднинг келиши осону, кетиши қийин дейдилар. Ҳавонинг тез-тез совуб туриши мени кўпроқ ташвишга соларди. Чунки, қаттиқ совуқ бўлса, бутун танам зирқираб, оёқларимда шиш, кучли оғриқ пайдо бўларди. Баъзан кўча ҳатлаб ташқарига чиқишим қийинлашарди. Ёшим 48да. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Анча вақтдан бери бу дард мени қаттиқ изтиробга солди, бир неча бор вилоятимиз шифохоналарида ётиб даволандим. Лекин оғриқнинг сим-сим давом этиши сира ҳам тўхтамадди. Кечалари уйкум бузилиб, юрагим безовталанади, қон босимим ошиб, оёқларим шишар, оғриқдан дардимни ичимга ютиб, бир амаллаб тонг оттирдим. Ниҳоят биз Навоий шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Бахтиёр Имомқулловнинг қабулига бордик. Шикоятларимизни эшитган шифокор кичик ташҳисдан сўнг, 1-сон шаҳар поликлиникасида фаолият кўрсатаётган терапевт-шифокор Ибодат Абдуллаевага бизни тавсия этди. У киши мени текшириб кўргандан кейин, ревматизмининг фаол кўриниши дея умумий ташҳис қўйди. Кундузги бўлимда ётиб даволанишимга тўғри келди. Мухими, саломатлик эканлигини тушуниб, ҳар битта муолажани кечиктирмай олдим. Яхши назорат ва доимий кузатишлардан сўнг, аҳолини яхшилашиб борди. Ҳозир эса оғриқлар безовта қилмаётти. Шишлар ҳам йўқолиб бораётганлигини кўриб, ўз-ўзимдан қувончман. Бу албатта, бўлим бошлиғи Б. Имомқуллов ва тажрибали шифокор И. Абдуллаева, бир-биридан чакқон, ширинсўз ҳамшира З. Раҳмонованинг саъй-ҳаракатлари деб биламан.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Мен сеvimли «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига доимий обуна бўлганман. Унда чоп этилаётган ҳар бир мақолани безъатибор қолдирмайман. Газетада турли касалликларга оид материаллар, долзарб мавзудаги мақолалар ва шифокорлар меҳнатини акс эттирувчи дилномаларни ўқиб, юрагимда ички бир орзу уйғонган. Мана шу орзу тафайли мен ҳам қўларимга қалам олдим. Ҳақиқатда, шифокорлар меҳнати оғир, уларнинг бутун умри биз каби беморлар орасида кечди. Шу фурсатдан фойдаланиб, мен барча шифокорларга «Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида улкан зафарлар тилайман. Шу жумладан, турмуш ўртоғим А. Бекназаровни газетамга бир йил бепул обуна қилдириб берган Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировга чексиз миннатдорчилик билдираман. Тиббиёт ходимларининг бугунги фаолияти, меҳнатларини ардоқлаб, улар учун хизмат қилаётган барча тахриратли ходимларига эса бу йўлда фақат муваффақиятлар тилаб қоламан.

Хурмат билан

Қаноатой БЕКНАЗАРОВА,
Навоий вилояти,
Кармана тумани.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 23 январь.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ҚАРОРИ

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли "Тиббиёт ходимлари меҳнатида ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги махсус комиссиялар тўғрисида Низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь
06-3/440-сон

Ф. НАЗИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги
2005 йил 31 декабрь
11/5132-сон

О. ОБИДОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
2005 йил 31 декабрь
109-сон

Р. АЗИМОВ.

«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
14 январь 2006 йил, №1536

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия
вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги
06-3/440, 11/5132, 109-сонли қарори билан

Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун
тиббиёт муассасаларидаги махсус комиссиялар тўғрисида
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли "Тиббиёт ходимлари меҳнатида ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) мувофиқ тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги махсус комиссияларнинг иш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун махсус комиссия (кейинги ўринларда Комиссия) юридик мақомга эга бўлган ҳар бир бюджет тиббиёт муассасасида ташкил этилади.

2. Холислик, ошкоралик ва қарорлар қабул қилинишида оидинлик Комиссия ишининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

3. Комиссиянинг асосий вазифалари:
ушбу Комиссия тузилган тиббиёт муассасасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорини бажариш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ тасарруф этиш.

4. Комиссия қуйидаги функцияларни амалга оширади:
тиббиёт ходимларининг даволаш-профилактика жараёнига қўшган шахсий ҳиссасини қонунчиликда ўрнатилган мезонлар асосида аниқлаш, ишга виждонан муносабати ва кўрсатилмаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатлигига устамалар белгилаш учун тиббиёт ходимларининг фаолиятини баҳолаш ва мукофотлаш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўрнак кўрсатган тиббиёт ходимларига аниқ миқдорда базавий тариф ставкаларига ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантириш; ушбу устамалар миқдорини ўзгартириш масалаларини ва уларни бекор қилишни қайта кўриб чиқиш;

тиббиёт ходимларига устамалар белгилашда ҳамда моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллашда асосланганлик ва холисликни таъминлаш; тиббиёт муассасаси ходимларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлар тўлашнинг аниқ турлари ва миқдорларини белгилаш;

устамалар ёки мукофот тўловлари миқдорини ҳолисона белгилаш учун ҳар бир тиббиёт ходимининг фаолияти натижалари мониторингини ўтказиш ва ташкиллаштириш, тиббиёт ходимларининг ишга виждонан муносабати ҳамда кўрсатилмаётган тиббий ёрдам сифати, даволаш-профилактика жараёнига қўшган шахсий ҳиссасини баҳолаш;

тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга Жамғарма маблағларини сарф қилиш масалаларини ҳал қилиш;

қабул қилинган Комиссия қарорлари тўғрисида тиббиёт муассасасининг даволаш жамоасини доимий хабардор қилиб туриш.

III. Комиссия таркиби

5. Махсус комиссия таркиби тиббиёт муассасаси раҳбарининг буйруғи билан беш кишидан кам бўлмаган (қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ участка касалхоналари учун уч кишидан кам бўлмаган) миқдорда тасдиқланади ва қуйидаги вакиллардан шакллантирилади:

тиббиёт муассасаси раҳбари – Комиссия раиси;
раҳбарнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – Комиссия котиби;
тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилот раиси;
бош тиббиёт ҳамшираси;
тиббиёт муассасаси даволаш кенгашининг қарори билан вакил қилинган камида бир нафар тиббиёт ходими.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ участка касалхонаси учун:

тиббиёт муассасаси раҳбари – Комиссия раиси;
бош тиббиёт ҳамшираси (фельдшер) – Комиссия котиби;
жамоада обрўга ва ҳурматга сазовор бўлган камида бир нафар тиббиёт ходими.

IV. Комиссия ишининг ташкил қилиниши

6. Комиссия мажлислари раиснинг фармойишига кўра чақирилади ва камида бир марта ҳар чорақда ўтказилади.

Зарур ҳолларда Комиссия раисининг фармойишига кўра ёки Комиссиянинг икки ёки ундан ортиқ аъзосининг таклифига кўра навбатдан ташқари мажлислар ўтказилиши мумкин.

7. Аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, Комиссия мажлиси ваколатли ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашаётган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлиб қолган ҳолларда, раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

8. Комиссия аъзосини мукофотлаш ёки устама белгилаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётган ҳолларда, Комиссиянинг мазкур аъзоси овоз беришда қатнашмайди, бу ҳақда Комиссия мажлисининг баённомасига тегишли ёзув киритилади.

9. Комиссия қарори Комиссия мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади, у Комиссия раиси ва мажлисда ҳозир бўлган Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва тиббиёт муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

10. Комиссия баённомаларни икки нусхада расмийлаштиради. Бир нусхаси тиббиёт муассасаси раҳбарига, иккинчи нусхаси соғлиқни сақлашнинг юқори турувчи бошқарув органига тақдим этилади.

11. Комиссия раиси таъминлайди:
Комиссия фаолиятида холислик ва ошкораликни;
Комиссия томонидан юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ ҳажмда бажариш;

Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича Комиссия қарорларини қабул қилишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш.

12. Комиссия котиби:
навбатдаги Комиссия мажлисини ўтказиш учун тиббиёт муассасасининг таркибий бўлинма бошлиқларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олади;
котиб Комиссия мажлисини ўтказиш учун зарур маълумотларни тайёрлайди ҳамда мажлисдан олдин уч кундан кечиктирмасдан уларни Комиссия раиси ва унинг аъзоларига тақдим этади;

Комиссия мажлисининг баённомаларини расмийлаштирилишини, Комиссия ҳужжатларини сақлиниши ва юритилишини таъминлайди;

Комиссия раисининг топшириғи бўйича тиббиёт ходимларининг профессионал фаолияти натижалари мониторингини ўтказишда ва ташкил қилади.

13. Соғлиқни сақлаш бошқарув органларининг тиббиёт муассасалари ҳузуридаги Комиссиялар фаолиятига ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан тиббиёт ходимларининг базавий тариф ставкаларига устамалар белгилаш бўйича улар томонидан қабул қилинаётган қарорларга аризага йўл қўйилмайди.

V. Комиссияга тақдим қилинадиган ҳужжатлар

14. Ҳар бир тиббиёт ходимига устамалар белгилаш мақсадида номзодлар рўйхатидаги киритиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

ходимнинг малака даражаси ва иш стажига кўрсатилган маълумотнома; амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган баҳолаш мезонлари асосида тиббиёт ходими фаолиятини тавсифловчи таҳлилий маълумотнома.

Шунингдек юқорида кўрсатилган ҳужжатлар устамалар миқдорини ўзгартириш ва уларни бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим қилинади.

15. Ўрнак кўрсатган ходимларни бир вақтда мукофотлантириш тиббиёт муассасасини ривожлантириш ва унинг фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришишдаги шахсий ҳиссаси тўғрисидаги муассаса раҳбарияти томонидан тақдим қилинган маълумотнома асосида амалга оширилади.

16. Тиббиёт муассасалари ходимларига моддий ёрдам фавқулодда ҳолларда уларнинг мурожаати бўйича ёзма ариза асосида ёки тегишли тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларнинг вафот этиши, оғир жароҳатлар олиш, касал бўлиш, табиий офатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) кўрсатилади.

17. Моддий-техник базани ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашга Жамғарма маблағларини сарфлаш учун Комиссияга зарур бўлган усунулар ёки эҳтиёт қисмлар, уларнинг нархи, шунингдек баҳариландиган ишлар ҳажмини кўрсатган ҳолда таъмирлаш бўйича дефект актларининг рўйхати тақдим қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ҚАРОРИ

**Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси
тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-229-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 47-48-сонлар, 354-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

масининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киридаи.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь
06-3/436-сон

Ф. НАЗИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири
2005 йил 31 декабрь
5083-сон

О. ОБИДОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири
2005 йил 31 декабрь
107-сон

Р. АЗИМОВ.

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги
14 январь 2006 йил, №1537

**Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 47-48-сон, 354-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) мувофиқ тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва тиббиёт ходимлари меҳнати моддий рағбатлантириш учун тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қондалар

1. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) 2006 йил 1 январдан ривожлантириш Жамғармаси негизда барча бюджет тиббиёт муассасаларида ташкил этилади.

2. Жамғарма маблағлари: ишга виждонан муносабати ва кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкаси базасига ойлик устамалар белгилаш, бир йўла моддий ёрдам ва муқофотлар тўлаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга, модернизация қилишга ва таъмирлашга йўналтирилади.

II. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

3. Қуйидагилар Жамғарманинг манбалари ҳисобланади:

тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;
ҳомийлик ва донорлик ташкилотларидан ҳамда пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;
тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ

тўлашда тежалган бюджет маблағлари.

4. Тиббиёт муассасалари Жамғарма харажатларини сарфлашнинг икки мустақил йўналиши бўйича маблағларнинг алоҳида ҳисобини юрताдилар:

тиббиёт муассасаси ходимларини моддий рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга, модернизация қилиш ва таъмирлашга.

5. Агар ҳомий, донор томонидан бошқа ҳоллар махсус кўрсатилмаган бўлса, ҳомийлик ва донорлик ташкилотлари маблағлари, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар тиббиёт муассасаси томонидан улардан кейинчалик ходимларни моддий рағбатлантиришда ва моддий-техник базани ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш учун белгиланган мутаносибликка мувофиқ банк муассасасида алоҳида ҳисоб рақамларига ўтказилади.

6. Мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган бюджет маблағлари улардан кейинчалик ходимларни моддий рағбатлантиришда ва моддий-техник базани ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш учун белгиланган мутаносибликка мувофиқ ҳар бир чорак якунлари бўйича тиббиёт муассасаси томонидан банк муассасасида алоҳида ҳисоб рақамларига ўтказилади.

7. Жамғарма маблағларидан ходимларни моддий рағбатлантиришда ва тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш тегишли равишда ушбу мақсадлар учун белгиланган маблағлар қолдиғи ва банк муассасаларидаги алоҳида ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағ доирасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Жисмоний шахсларнинг Жамғарма маблағлари ҳисобидан олган даромадига солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Жамғарма маблағларини тақсимлаш тартиби

9. Жамғарма маблағлари тиббиёт муассасаси қайси гуруҳга мансублигига қараб қуйидаги мутаносибликда тақсимланади ва сарфланади:

Харажатлар йўналиши	I гуруҳ муассасалари	II гуруҳ муассасалари	III гуруҳ муассасалари	IV гуруҳ муассасалари
Ходимларни моддий рағбатлантириш	25 % дан ортиқ бўлмаган	35 % дан ортиқ бўлмаган	40 % дан ортиқ бўлмаган	50 % дан ортиқ бўлмаган
Моддий-техник базани мухташ-камлаш, модернизация қилиш ва таъмирлаш	қамида 75 %	қамида 65 %	қамида 60 %	қамида 50 %

IV. Тиббиёт муассасалари ходимларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан устамалар ва моддий

рағбатлантиришларнинг бошқа турларини белгилаш тартиби

10. Барча тиббиёт муассасаларида

меҳнатга виждонан муносабати, кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун ходимнинг тариф ставкасига ойлик устамалар белгилаш учун мезонларни аниқлаш қисмида ягона ёндашувга риоя қилиниши таъминланади.

Тиббиёт ходимларининг ишга виждонан муносабати ва кўрсатилётган тиббий

ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкаларига ойлик устамалар тегишли ходимнинг тариф ставкасидан 5 дан 20 фоизгача миқдорда белгиланади.

11. Ойлик устамалар ходимларнинг лавозимига ва тиббиёт муассасалари гуруҳига қараб қуйидаги доираларда белгиланади:

Лавозимлар номи	I гуруҳ муассасалари	II гуруҳ муассасалари	III гуруҳ муассасалари	IV гуруҳ муассасалари
Кичик тиббиёт ходимлари	5-15 %	5-15 %	5-15 %	10-20 %
Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари	10-15 %	10-15 %	10-15 %	10-20 %
Врач ходимлар ва провизорлар	10-15 %	10-15 %	10-20 %	10-20 %

12. Алоҳида тиббиёт ходимлари учун устамалар белгилаш қуйидаги асосий кўрсаткичларни албатта ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг сифати – даволаш усулларини қўллашдан асорат қўлишининг паст даражаси, бемор ҳолатининг ижобий муттасил ўсиши, тиббий ёрдам сифатига беморлар томонидан шикоят қилинмаганлиги, рецидивларнинг паст даражаси, қўлланилаётган даволашнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлиги. Амбулатория-поликлиника бўйида – бириктирилган контингентнинг диспансерлаштириш билан тўлиқ қамраб олинганлиги ва соғлиқ ҳолати кўрсаткичларининг яхшиланishi;

меҳнат билан бандлиги – ходимнинг амалда бандлиги, иш вақти давомида хизмат кўрсатиш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мансаб мажбуриятларини бажариши; белгиланган хизмат кўрсатиш меъёрларига мувофиқ хизмат кўрсатилган беморларнинг, лаборатория анализлари ва бошқа даволаш-диагностика тадбирларининг микдор маълумотлари бўйича аниқланадиган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми;

кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг мураккаблиги – кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг умумий ҳажмида мураккаб (юқсак касб билимларини, юқори даражада аниқлиқни, юқсак технологиялардан фойдаланишни талаб қиладиган) тиббий аралашувлар, манипуляцияларнинг юқори салмоғи;

ихтисослик тармоғида кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг ўхшаши йўқлиги – энг кам ҳажмида бўлган жарроҳлик аралашувлари ва оқилана сарф қилган ҳолда беморларнинг янада тезроқ соғайишига кўмаклашадиган жаҳон стандартлари даражасидаги янги технологиялар ва замонавий ускуналар қўлланилган ҳолда бажарилган тиббий ёрдам ҳажми.

13. Тиббиёт муассасаларининг ўрناق кўрсатган ходимларини бирийўла муқофотлаш муассасани ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун унга бир лавозим маошигача миқдорда муқофот тайинлаш йўли билан амалга оширилади.

14. Тиббиёт муассасалари ходимларига моддий ёрдам фавқуллода ҳолларда уларнинг мувожаатига кўра ёки тегишли тиббиёт муассасаси қасаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларнинг вафот этиши, оғир жароҳат-

лар олиш, касал бўлиш, табиий офатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) кўрсатилади.

15. Тиббиёт ходимларининг меҳнатга виждонан муносабати ва юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатганлиги учун тариф ставкаларига ойлик устамалар белгилаш, муқофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссия қарори асосида амалга оширилади.

16. Жамғарма ҳисобидан устамалар, муқофотлар ва моддий ёрдамлар тўлаш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссиянинг тегишли қарори асосида қабул қилинган тиббиёт муассасаси раҳбарининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Буйруқда алоҳида ходимларга бериладиган моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, унинг миқдори ва тўлаш муддатлари кўрсатилади.

17. Жамғарма маблағлари ҳисобидан устамалар ва бошқа моддий рағбатлантириш турларини тўлаш иш ҳақи тўланиши билан бир вақтда амалга оширилади.

V. Тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадида Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

18. Тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадида Жамғарма маблағларини сарфлаш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

19. Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича махсус комиссиянинг қарори асосида тиббиёт муассасаси раҳбари маблағларини сарфлашнинг аниқ мақсадлари, йўналишларини ва унинг миқдорини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради.

VI. Жамғарма маблағлари сарфлаши учун жавобгарлик ва назорат қилиш тартиби

20. Соғлиқни сақлаш юқори турувчи бошқарув органларининг раҳбарлари, махсус комиссия аъзолари, шунингдек, тиббиёт муассасаси раҳбарлари Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартибига риоя қилиниши, ҳолислиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

21. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг худудий бўлиmlарини Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини қонунчиликда кўрсатилган тартибда текширади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ҚАРОРИ**

Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»-ги 276-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби

тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь
06-3/439-сон

Ф. НАЗИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
2005 йил 31 декабрь
11/5112-сон

О. ОБИДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2005 йил 31 декабрь
108-сон

Р. АЗИМОВ.

«РҲЙХАТГА ОЛИНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
14 январь 2006 йил, №1538

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини тўғрисидаги 276-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/439, 11/5112, 108-сонли қарори билан

Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини тўғрисидаги 276-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/439, 11/5112, 108-сонли қарори билан

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган тиббиёт муассасалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек бош тиббиёт ҳамшираларга (кейинги ўринларда – раҳбар ходимлар) татбиқ қилинади.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси, 2003 йил, 2-сон, 16-модда) билан ташкил этилган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига татбиқ этилмайди.

II. Муассасаларни тўғрисида ажратиш тартиби

3. Раҳбар ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тиббиёт муассасалари турлари ушбу муассасалар бевосита бўйсунадиган бошқарув органлари томонидан стационар муассасалар учун – даволанган беморлар сонидан, амбулатория-поликлиника хизмати ва соғлиқни сақлаш бошқа муассасалари учун – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқадиган кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

4. Ҳар тартибда амбулатория-поликлиника бўлинмаларига эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, ёки стационарлари бўлган диспансерлар, раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича бир тур юқори муассасалар турига тегишли бўлади.

5. Соғлиқни сақлаш бошқарув органи функцияси юкланган марказий, туман (шаҳар) касалхоналари бир тур юқори муассасалар турига тегишли бўлади.

6. Бўйсунушида соғлиқни сақлаш муассасалари бўлган бошқарув органлари аҳолининг асосланган шикоятлари, муассаса ишини ташкил этиш ва иш сифатида камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда раҳбарлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган турини бир турга пасайтириш ҳуқуқига эгадир.

III. Раҳбар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари

7. Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ходимлари учун, муассасаларнинг туридан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича куйидаги разрядлар ва тариф коэффициентлари ўрнатилади:

Муассасалар тури	Разряди	Тариф коэффициенти
IV тур	8	5,453
III тур	9	6,053
II тур	10	6,719
I тур	11	7,390

8. Соғлиқни сақлаш муассасалари даволаш ишлари бўйича раҳбар муовинлари учун, муассасаларнинг туридан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича куйидаги разрядлар ва тариф коэффициентлари ўрнатилади:

Муассасалар тури	Разряди	Тариф коэффициенти
IV тур	7	4,913
III тур	8	5,453
II тур	9	6,053
I тур	10	6,719

9. Соғлиқни сақлаш муассасалари бош ҳамширалари учун, муассасаларнинг туридан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича куйидаги разрядлар ва тариф коэффициентлари ўрнатилади:

Муассасалар тури	Разряди	Тариф коэффициенти
IV тур	5	4,060
III тур	6	4,466
II тур	7	4,913
I тур	8	5,453

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомга асосан, раҳбар ходимларга тариф ставкалари миқдорини белгилашда муассасалар гуруҳларига қараб тузатиш коэффициенти қўлланилади.

IV. Раҳбар ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича муассасалар турлари

11. Раҳбар ходимларига иш ҳақи тўлаш бўйича тиббиёт муассасалари ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ турларга бўлинади.

12. Юридик шахс мақомига эга бўлган ва мазкур Низомда назарда тутилмаган соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбар ходимлари фаолият профили бўйича тиббиёт муассасасининг IV тури раҳбарлари каби тариф қилинади.

Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомга 1-илова

Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология нazorати хизмати ва бошқа муассасалар (хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
1.	Шаҳарлардаги поликлиникалар	40,0 ва ундан ортиқ	30,0 дан, 40,0 гача	20,0 дан, 30,0 гача	20,0 гача
2.	Туман марказий поликлиникалари	250,0 ва ундан ортиқ	200,0 дан, 250,0 гача	150,0 дан, 200,0 гача	150,0 гача
3.	Мустақил болалар поликлиникалари	25,0 ва ундан ортиқ	20,0 дан, 25,0 гача	15,0 дан, 20,0 гача	15,0 гача
4.	Скрининг-марказлар, стационар эга бўлмаган ихтисослаштирилган (сил, эндокринология, тери-таносил) диспансерлари	3000,0 ва ундан ортиқ	2000,0 дан, 3000,0 гача	1500,0 дан, 2000,0 гача	1500,0 гача
5.	Саломатлик институти (тиббиёт статистикаси бюроси) ва унинг филиаллари	2000,0 ва ундан ортиқ	1500,0 дан, 2000,0 гача	1000 дан, 1500,0 гача	1000,0 гача
6.	Санитария-эпидемиология назорати хизмати муассасалари (республика, вилоят, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология назорати марказлари, карантинли ва алоҳида хавфли ҳуқумли касалликлар профилактикаси маркази ва унинг филиаллари, дезинфекция станциялари	2000,0 ва ундан ортиқ	1000,0 дан, 2000,0 гача	500,0 дан, 1000,0 гача	500,0 гача

Умумий профили стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар (даволанган беморлар сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
7.	Республика, вилоят, шаҳар касалхоналари, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юрталари клиникалари, болалар уйлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ногиронлари учун госпиталлар, тиббиёт-санитария қисмлари ва стационарлари бўлган диспансерлар	15,0 ва ундан ортиқ	9,0 дан, 15,0 гача	4,5 дан, 9,0 гача	4,5 гача
8.	Шаҳар ва туман марказий касалхоналари	8,0 ва ундан ортиқ	5,0 дан, 8,0 гача	2,5 дан, 5,0 гача	2,5 гача
9.	Республика (вилоят, шаҳар) перинатал маркази, туғруқхоналар (юридик мақомга эга бўлганлари), туғруқ комплекслари	9,0 ва ундан ортиқ	7,0 дан, 9,0 гача	5,0 дан, 7,0 гача	5,0 гача
10.	Болалар реабилитацияси бўйича санаторийлар	14,0 ва ундан ортиқ	9,0 дан, 14,0 гача	4,0 дан, 9,0 гача	4,0 гача

Кон қуйиш станциялари (қон тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳажмидан келиб чиқиб, бир йилда минг литр)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
11.	Қон қуйиш станциялари	7,0 ва ундан ортиқ	5,0 дан, 7,0 гача	3,0 дан, 5,0 гача	3,0 гача

Бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари (хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб, минг киши)

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Боши 4-бетда).

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
12.	Республика (худудий) суд-тубиёт экспертизаси бюроси	2000,0 ва ундан ортиқ	1500,0 дан, 2000,0 гача	1000,0 дан, 1500,0 гача	1000,0 гача
13.	Патологоанатомик марказ ва унинг вилоятлардаги бюроси	2000,0 ва ундан ортиқ	1500,0 дан, 2000,0 гача	1000,0 дан, 1500,0 гача	1000,0 гача

Ихтисослаштирилган стационар муассасалар (даволанган беморлар сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
14.	Ихтисослаштирилган касалхоналар, клиникалар, диспансерлар ва марказлар:				
14.1.	Сил касалхоналари (катта ёшдагилар ва болалар касалхоналари)	1,4 ва ундан ортиқ	0,9 дан, 1,4 гача	0,4 дан, 0,9 гача	0,4 гача
14.2.	Сил касаллиги санаторийлари (катта ёшдагилар ва болалар учун)	5,0 ва ундан ортиқ	3,5 дан, 5,0 гача	1,5 дан, 3,5 гача	1,5 гача
14.3.	Юқумли касалликлар (катта ёшдагилар ва болалар учун), онкологик, тери-таносил, эндокринология касалликлари, лепрозорийлар	7,0 ва ундан ортиқ	4,0 дан, 7,0 гача	2,0 дан, 4,0 гача	2,0 гача
14.4.	Рухий, рухий-асаб (катта ёшдагилар ва болалар учун), наркологик касалликлар	5,0 ва ундан ортиқ	4,0 дан, 5,0 гача	2,0 дан, 4,0 гача	2,0 гача
15.	Нейрохирургия, онкология (шу жумладан), аллергология, суяк-йирингли жаррохлик ва йирингли хирургия жароҳатлари оқибатлари ва қандли диабет жаррохлик асоратлари, болалар ортопедияси республика тиббиёт марказлари	11,0 ва ундан ортиқ	7,0 дан, 11,0 гача	3,0 дан, 7,0 гача	3,0 гача
16.	Сил, эпидемиология ва юқумли касалликлар, вирусология, эндокринология ва паразитология илмий-тектириш институтлари клиникалари	7,0 ва ундан ортиқ	4,0 дан, 7,0 гача	2,0 дан, 4,0 гача	2,0 гача
17.	Болалар касалхоналари	15,0 ва ундан ортиқ	9,0 дан, 15,0 гача	4,5 дан, 9,0 гача	4,5 гача

ОИТС маркази (хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
18.	ОИТС маркази ва унинг филиаллари	2000,0 ва ундан ортиқ	1500,0 дан, 2000,0 гача	1000,0 дан, 1500,0 гача	1000,0 гача

Шошилинч ва тез ёрдам марказлари (даволанган беморлар сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
19.	Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг филиаллари	15,0 ва ундан ортиқ	9,0 дан, 15,0 гача	4,5 дан, 9,0 гача	4,5 гача

Тез тиббий ёрдам станциялари (бир йилда жойларга чиқиш сонидан келиб чиқиб, минг киши)

№	Номланиши	Муассасалар тури			
		I	II	III	IV
20.	Тез тиббий ёрдам станциялари	75,0 ва ундан ортиқ	50,0 дан, 75,0 гача	25,0 дан, 50,0 гача	25,0 гача

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан, Министерства финансов Республики Узбекистан

Об утверждении Положения о специальных комиссиях в медицинских учреждениях для распоряжения средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений

Во исполнение постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 декабря 2005 года № 276 «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2005 г., № 51, ст. 380) постановляем:

1. Утвердить прилагаемое Положение о специальных комиссиях в медицинских учреждениях для распоряжения средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений.

2. Настоящее постановление вступает в силу по истечении десяти дней со дня его государственной регистрации в Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

Министр здравоохранения
Ф. НАЗИРОВ.

Министр труда и социальной
защиты населения
О. ОБИДОВ.

г.Ташкент
31 декабря 2005 года
№ 06-3/440

г.Ташкент
31 декабря 2005 года
№ 11/5132

Министр финансов
Р.АЗИМОВ.

г.Ташкент
31 декабря 2005 года
№ 109

«УТВЕРЖДЕНО»

«ЗАРЕГИСТРИРОВАНО»
Министерством юстиции
Республики Узбекистан
14 января 2006 года, № 1536

Постановлением Министерства здравоохранения,
Министерства труда и социальной защиты,
Министерства финансов Республики Узбекистан
от 31 декабря 2005 года
№ 06-3/440, № 11/5132, № 109

ПОЛОЖЕНИЕ

о специальных комиссиях в медицинских учреждениях для распоряжения средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений

Настоящее Положение, в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 декабря 2005 года № 276 «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2005 г., № 51, ст.380) определяет порядок работы специальных комиссий в медицинских учреждениях для распоряжения средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений.

I. Общие положения

1. Специальная комиссия для распоряжения средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений (далее - Комиссия) создается в каждом бюджетном медицинском учреждении, имеющем статус юридического лица.

2. Основными принципами работы Комиссии являются: объективность, гласность и прозрачность при принятии решений.

II. Основные задачи и функции Комиссии

3. Основными задачами Комиссии являются:
организация работы по исполнению постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 декабря 2005 года № 276 в медицинском учреждении, при котором эта Комиссия создается;

распоряжение средствами Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений (далее - Фонд) в соответствии с порядком, установленным законодательством.

4. Комиссия осуществляет следующие функции:
